



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШНИНГ СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

Янгиева Наргиза Саидовна

Солиқ кўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

Аннотация. Мазкур мақолада корхоналарнинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш натижасида келиб чиқадиган солиқ оқибатлари ёритилган. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ўтган корхоналарда солиқ ҳисоботларини тузишда қандай меъёрий ҳужжатлардан ва манбалардан фойдаланиш масаласига аниқлик киритилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобот, МҲХС, солиқ, солиқ базаси, солиқ ҳисоботи.

ПЕРЕХОД НА МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В НАЛОГОВЫХ ПОСЛЕДСТВИЯХ

Янгиева Наргиза Саидовна

Фискал институт при Налоговом комитете

Аннотация. В данной статье описаны налоговые последствия перехода компаний на международные стандарты финансовой отчетности. Уточнен вопрос, какие нормативные документы и источники использовать при составлении налоговой отчетности на предприятиях, прошедших на МСФО.

Ключевые слова: финансовый отчет, МСФО, налог, налоговая база, налоговый отчет.

TRANSITION TO INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN TAX CONSEQUENCES

Yangieva Nargiza Saidovna

Fiscal Institute under the Tax Committee

Abstract. This article describes the tax consequences of companies transition to international standards of financial reporting. The issue of which regulatory documents and sources to use in the preparation of tax reports in enterprises that have passed the financial audit report has been clarified.

Keywords: financial report, IFRS, tax, tax base, tax report.

Кириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш қоидаларига таъсир кўрсата бошлади. Биринчи навбатда бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ислохатлар натижасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтиш бўлди. МҲХС га ўтиш бевосита солиққа тортиш механизмига ҳам таъсир кўрсата бошлади. Ушбу масалаларни фойда солиғи мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Бу муаммоларни ёритишда қуйидагиларни илмий жиҳатдан тадқиқ этишни мақсад этиб қўйдик:

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг зарурияти;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг солиққа тортиш механизмига таъсири;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида фойда солиғи базасини ҳисоблаш ва ҳисоботини тузиш.

Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш учун асос бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24- февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4611-сонли қарори ҳисобланади (Қарор, 2020). Ушбу қарорнинг муҳимлигини Ташназаров (2021) қуйидагича ифодалайди, мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа корхоналарнинг ихтиёрийлик асосида ўз ташаббуслари билан МҲХСлари асосида молиявий ҳисоботга ўтишларига эришишимиз лозим. Корхона ва ташкилотлар ўзлари МҲХСларига ўтишда наф олишлари, унинг афзалликларини ҳис қилишлари лозим. МҲХСлар орқали инвестициявий жозибаторлигига эришиш йўли билан корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифа сифатида қаралиши лозим (Ташназаров, 2021).

Адабиётлар шарҳи.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг моҳияти, унга ўтишнинг зарурияти ва солиқ оқибатлар иқтисодий адабиётларда турлича ёритилган.

Исманов (2017) МҲХСни моҳиятини қуйидагича ёритади: “МҲХС корхона фаолияти тўғрисида молиявий ахборотларнинг манбаи бўлган ва фойдаланувчилар учун хизмат қиладиган молиявий ҳисобот тайёрлашга йўналтирилган. Ушбу стандартлар алоҳида олинган мамлакатнинг қонунчилигига боғланмаган ва фаолият тури, ўлчами, ташкилий-ҳуқуқий шаклдан катъий назар барча корхона ҳисоботини шакллантириш учун йўналтирилган”.

Собировнинг (2021) ёзишича: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга трансформация қилиниш жараёнларини жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот ҳамда маълумотлар билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йилдан бошлаб, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар (МҲХС) асосида юритишни ташкил этишди ва 2021-йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тайёрлайди.

Курбанов ва Акрамовларнинг (2015) фикрича “Республикамизда бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради. Бу эса Республикамизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги босқичи бўлиб қолади”.

Путникова, Урбанлар (2022) молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни қуйидагича изоҳлайди: “Беларусь Республикасининг молиявий ҳисоботларини халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ўзгартириш МҲХСга ўтиш йўлидаги биринчи, жуда муҳим ва мажбурий қадамдир”.

Ҳажимуратов (2020) МҲХС асосида тузилган ҳисоботларнинг аҳамиятини қуйидагича изоҳлайди: “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартлар асосида тақдим этилиши инвесторлар учун муҳим ахборот манбаи

ҳисобланади. Зеро халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар ишончли ва ҳаққоний ҳисобланади”.

Энди МҲХС ва солиққа тортишни боғлиқлиги масалаларни кўриб чиқамиз.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ўтиш асосида солиқлар ҳисобини ташкил этиш жуда муҳимдир. Бу борада Ташназаров (2021) куйидаги фикрларни билдирган: “Бугунги кунда Ўзбекистонда молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини жаҳон андозалари даражасига чиқаришнинг ягона йўли бу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва илғор хорижий тажрибаларни, соҳага доир жаҳон адабиётлари ва ҳужжатларини ўрганиш ҳамда уларни мамлакатимиз иқтисодиётининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилишдан иборатдир”.

Любушин, Лещева, Дьяковалар (2004) «даромад ва фойдани ифодаловчи кўрсаткичларга куйидагиларни киритишган:

- 1) маҳсулотни сотишдан соф даромад;
- 2) маҳсулотни сотишдан ялпи фойда;
- 3) асосий фаолиятдан фойда;
- 4) молиявий фаолиятдан фойда;
- 5) умумхўжалик фойдаси;
- 6) экстраординар фойда;
- 7) солиқ тўлагунга қадар фойда;
- 8) соф фойда» (Любушин, Лещева и др. 2004).

Бондареванинг (2020) таъкидлашича фойда солиғи бўйича инвестициявий солиқ чегирмаси Россия Федерацияси Солиқ кодексига 2019 йил 1 январдан 2018 йил 27 ноябрдаги 426-ФЗ сонли Федерал Қонун билан киритилди.

Шабанова ва Шумяцкийларни (2020) қайд этишича, Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 286-моддаси корхоналарга инвестициявий солиқ чегирмаси суммасига фойда солиғини камайтириш имконини берди. Бу корхоналар учун фойда солиғи бўйича солиқ юкини камайтиради.

Ризаев (2022) Ўзбекистонда айни вақтда МҲХС жорий этиб борилиши билан МҲХС бўйича ҳисобот ва солиқ тизими ўртасида низолар бўлиши аниқ. Шу сабабли МҲХС бўйича ҳисоб юритишга ўтишда, молиявий ҳисобни юритиш учун МҲХС нормаларидан фойдаланиш қоидаларини ва кўпгина йўриқномаларни чиқариш керак бўлади. Жумладан, фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиққа тортиладиган фойда суммасини аниқлашнинг молиявий ҳисобини солиқ кодексига уйғунлашган ҳолда, шу билан бирга бизнес эгалари ва инвесторлари учун фойдали куринишдаги тартибни ишлаб чиқиш энг долзарб масалалар қаторига киради.

Пўлатов ва Абдугаппаровлар (2022) МҲХС ўтишнинг фойда солиғига таъсирини куйидагича ифодалайди: Фойда солиғи ҳисобига оид молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг (МҲХС) мамлакатлар миллий иқтисодиётида қўллашганилиши ўзига хос вазифаларни амалга оширишни ва ёндашувларни талаб этади. Ушбу стандартнинг мақсади фойда солиғини ҳисобга олиш тартибни белгилашдан иборатдир.

Пашаходжаеванинг (2023) фикрича, Республикамизда фойда солиғи кўрсаткичлари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқлаштириш ва улар талабларидан келиб чиқиб, фойда солиғига доир ҳисоб-китобларни ҳисоб ва ҳисоботда акс тартибларини такомиллаштириш бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилмаган. Чоп этилган ишларда фойда солиғи кўрсаткичларининг яхлит тизими ишлаб чиқилмаган, жумладан улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботда ахборотларни тизимли шакллантириш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмагани, илмий-амалий жиҳатдан аҳамиятга моликлиги фойда солиғи кўрсаткичлари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқлаштириш масалаларини чуқур тадқиқ қилишни объектив зарурат қилиб қўймоқда.

Тадқиқот методологияси.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг солиқ оқибатларини тадқиқ қилишда илмий-тадқиқотларда қўлланиладиган мавжуд назарий ва эмпирик тадқиқот методларидан фойдаланилди. Жумладан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва статистик маълумотларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, далиллар тўплаш, тасаввур этиш, қиёслаш, шакллантириш ва муаммони қўйиш каби назарий-тадқиқот методларидан фойдаланилди. Шунингдек, илмий адабиётлар, хўжалик фаолиятини ўрганиш, кузатиш ва давр оралиғида тадқиқ қилиш каби эмпирик тадқиқот методлари қўлланилди. Бу албатта, мақола мавзусига доир ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг методологик асосини ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Халқаро амалиётда фойда солиғини ҳисоблашда қуйидаги МҲХСларидан фойдаланинади. 15-сон МҲХС «Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум» га мувофиқ тушум - бу ташкилотнинг одатий фаолияти давомида юзага келадиган даромад. 15-сон МҲХСда (IFRS) тушумни эътироф этиш учун шартномаларни 5 босқичли моделдан фойдаланган ва шартномаларни идентификация қилган ҳолда таҳлил қилиш лозим (МҲХС, 2022).

“12-сон БҲХСнинг мақсади фойда солиқларини ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборат”. Мазкур стандарт, шунингдек, фойдаланилмаган солиқ зарарларидан ёки фойдаланилмаган солиқ имтиёзларидан келиб чиқадиган кечиктирилган солиқ активларини тан олишни, фойда солиқларини молиявий ҳисоботда акс эттиришни ва фойда солиқларига тегишли маълумотларни ёритиб беришни қамраб олади (БҲХС, 2022).

МҲМСга асосан, фойда солиғи ўз ичига солиқ солинадиган фойдадан олинadиган барча миллий ва чет элдаги фаолият бўйича солиқларни олади. Фойда солиғи, шунингдек, ўз ичига шўъба ташкилот, таъсир остидаги ташкилот ёки биргаликдаги фаолият бўйича келишув томонидан ҳисобот берувчи ташкилот фойдасига тақсимланadиган суммалардан олинadиган ва тўлов манбаида ушлаб қолинadиган солиқларни ҳам олади. У ташкилотдан молиявий ҳисоботда тан олинган операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг жорий ва келгуси солиқ оқибатларини тан олишини талаб қилади. Ушбу тан олинadиган солиқ суммалари жорий солиқ ва кечиктирилган солиқдан ташкил топади. Жорий солиқ - бу жорий ёки ўтган даврлар учун солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари) бўйича тўланадиган (қопланадиган) фойда солиғи. Кечиктирилган солиқ - бу келгуси даврларда тўланадиган ёки қопланадиган фойда солиғи бўлиб, одатда ташкилот ўзининг активлари ва мажбуриятларини уларнинг жорий баланс қиймати билан қопланишидан ёки сўндирилишидан ҳамда фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва солиқ имтиёзларини келгуси даврларга ўтказилишининг солиқ бўйича таъсири натижасида келиб чиқади.

Стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Бухгалтерия ҳисоби бўйича фойда – бу солиқ харажатлари чегириб ташланишидан олдинги давр фойдаси ёки зарари.

Солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари) –бу солиқ идоралари томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ аниқланган ва ундан фойда солиқлари тўланиши (қопланиши) талаб этиладиган давр фойдаси (зарари).

Солиқ харажати (солиқ даромади) –бу давр фойдаси ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинган жорий ва муддати узайтирилган солиқ бўйича умумий сумма.

Жорий солиқ -бу давр учун солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари)дан тўланадиган (қопланадиган) фойда солиқлари суммаси.

Активнинг солиқ базаси – бу активнинг баланс қиймати қопланганида, тадбиркорлик субъекти томонидан олинadиган ҳар қандай солиққа тортиладиган

иқтисодий нафдан солиқ мақсадларида чегириб ташланадиган суммадир. Агар бу иқтисодий нафлар солиққа тортилмаса, активнинг солиқ базаси унинг баланс қийматига тенг бўлади.

Мажбуриятнинг солиқ базаси – унинг баланс қийматидан ушбу мажбурият бўйича келгуси даврларда солиқ мақсадларида чегириладиган ҳар қандай сумма чегирилгандан кейин ҳосил бўладиган қиймат. Масалан, даромадни олдиндан олиш натижасида юзага келадиган мажбуриятнинг солиқ базаси – бу унинг баланс қийматидан келгуси даврларда солиққа тортилмайдиган ҳар қандай даромад суммасини айириб ташлаганда ҳосил бўладиган қийматдир.

Жорий ва олдинги даврлар учун жорий солиқнинг тўланмаган қисми мажбурият сифатида тан олиниши керак. Агар жорий ва олдинги даврлар учун тўланган солиқ суммаси ушбу даврларда тўланиши керак бўлган солиқ суммасидан кўп бўлса, ортиқча сумма актив сифатида тан олиниши керак.

Олдинги давр учун жорий солиқни қоплаш мақсадида солиқ зарарини олдинги даврларга ўтказиш имконияти мавжудлиги натижасида олинадиган наф актив сифатида тан олиниши керак.

Фойда солиғи базасини аниқлашда вақтинчалик фарқларни ҳисобга олиш зарур. Вақтинчалик фарқлар 12-сон БҲХС “Фойда солиқлари”да қуйидагича эътироф этилган:

Вақтинчалик фарқлар – бу молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати билан унинг солиқ базаси ўртасидаги фарқлардир. Вақтинчалик фарқлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар - вақтинчалик фарқлар бўлиб, улар актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати қопланадиган ёки тўланадиган келгуси даврларнинг солиқ солинадиган фойдасини (солиқ зарарини) ҳисоблашда солиқ солинадиган суммаларни юзага келтиради; ёки

- келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқлар - вақтинчалик фарқлар бўлиб, улар актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати қопланадиган ёки тўланадиган келгуси даврларнинг солиқ солинадиган фойдасини (солиқ зарарини) ҳисоблашда чегириб ташланадиган суммаларни юзага келтиради (БҲХС, 2022).

Вақтинчалик фарқлар, даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича фойда таркибида бир даврда акс эттирилганида, лекин солиқ солинадиган фойдага бошқа даврда киритилганида пайдо бўлади. Бундай вақтинчалик фарқлар кўпинча вақтга боғлиқ фарқлар деб тавсифланади. Бундай турдаги вақтинчалик фарқларга мисоллари келтирилган, улар вақтинчалик фарқлар бўлиб ҳисобланади ва муддати узайтирилган солиқ мажбуриятларини юзага келтиради:

- фоизли даромад бухгалтерия ҳисоби бўйича фойда таркибига вақтга мутаносиб равишда киритилиб боради, бироқ, баъзи мамлакатларда, солиқ солинадиган фойдага фоизлар пул маблағлари кўринишида олинганида киритилади. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда бу каби даромадлар бўйича тан олинган ҳар қандай дебиторлик қарздорликнинг солиқ базаси нольга тенг, чунки даромадлар солиқ солинадиган фойдага, пул маблағлари олинмагунча, таъсир қилмайди;

- солиқ солинадиган фойдани (солиқ зарарини) ҳисоблашда чегириладиган эскириш суммаси бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдани аниқлашда чегириладиган эскириш суммасидан фарқ қилиши мумкин. Вақтинчалик фарқ – бу активнинг баланс қиймати билан унинг солиқ базаси орасидаги фарқдир; бунда активнинг солиқ базаси - бу жорий ёки олдинги даврлар учун солиқ солинадиган фойдани (солиқ зарарини) аниқлашда ушбу активга нисбатан солиқ идоралари томонидан чегирилиши рухсат этилган ҳамма суммалар айирилгандаги бошланғич қийматдир. Солиқ қоидаларига кўра аниқланадиган эскириш жаддалаштирилган бўлганида келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ пайдо бўлади, ва у муддати узайтирилган солиқ мажбуриятини юзага келтиради.

- тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш харажатлари бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдани аниқлашда капитализация қилиниши ва келгуси даврларда харажатларга олиб борилиши мумкин, бироқ солиқ солинадиган фойдани аниқлашда улар юзага келган даврда чегирилиши мумкин. Бундай тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш харажатларининг солиқ базаси нольга тенг, чунки улар солиқ солинадиган фойдадан чегирилиб ташланган. Бундаги вақтинчали фарқ – тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш харажатларининг баланс қиймати билан уларнинг нольга тенг солиқ базаси орасидаги фарқдир.

1-жадвал

МҲХС бўйича фойда солиғи ҳисоботи шаклининг асосий тавсифлари

Солиқ ҳисоботи шакли	МҲХСга ўтган юридик шахсларнинг алоҳида жами даромади тўғрисида маълумотлар (2-сонли шакл)
«Стандартлаштирилган» шакл	МҲХС бўйича жами даромад тўғрисида (фойда ёки зарар ва бошқа жами даромад тўғрисида) алоҳида (консолидациялашмаган) ҳисобот
Шаклни тайёрлаш учун МҲХС бўйича қандай маълумотлар зарур	МҲХС бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари; МҲХС бўйича жами даромад тўғрисида алоҳида ҳисобот; зарурат бўлганда МҲХС бўйича алоҳида молиявий ҳисоботга изоҳдан маълумотлар
МҲХСга ўтишда уларнинг ҳисоби аҳамиятли ўзгарадиган ва алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган шакл моддалари	Соф тушум - бажариладиган мажбуриятларни баҳолаш, тан олиш даврлари, экспорт контрактлари (МҲХС (IFRS) 15, МҲХС (IAS) 21); Реализация қилинган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар)нинг таннархи - таснифи, нормал ишлаб чиқариш қуввати, қадрсизланиш, шартнома тузиш харажатлари, ҳуқуқлардан фойдаланиш шаклида активлар амортизацияси (МҲХС (IAS) 2, МҲХС (IFRS) 15, МҲХС (IFRS) 16); Бошқа харажатлар - таснифи (МҲХС (IAS) 2); Қадрсизланишдан кўрилган зарарлар/ зарарларни тиклаш - (МҲХС (IFRS) 9, МҲХС (IAS) 36); Курс фарқидан олинган фойда ва кўрилган зарар - бўнақлар бўйича курс фарқи истисноси (МҲХС (IAS) 21); Фоизлар тарзидаги харажатлар - эффектив фоиз ставкаси, ижара бўйича фоиз харажатлари (МҲХС (IFRS) 9, МҲХС (IFRS) 16); Фойда солиғи - кечиктирилган солиқ бўйича харажатлар (даромадлар) (МҲХС (IAS) 12); Бошқа жами даромадлар - молиявий инструментларнинг ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаш, тақдим этиш валютасида қайта ҳисоблаш бўйича курс фарқи (МҲХС (IFRS) 9, МҲХС (IAS) 21)
Шаклда назарда тутилган ҳисобот саналари	Иккита ҳисобот даври (йили). 2023 йилги ҳисобот учун бу қуйидагилар бўлади: 2022 йил; 2023 йил

Фойда солиғи базасини аниқлаш билан боглиқ бўлган тушумларни ҳисобга олиш қоидаларини белгилаб берувчи стандарт 15-сон МХХС "Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар" стандартини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

15-сон МХХСда тушумни тан олишнинг бешта босқичдан иборат моделини таклиф этилган: 1. Харидорлар билан шартномаларни идентификация қилиш; 2. Шартномалар бўйича бажарилишларга оид мажбуриятларни идентификация қилиш; 3. Операция нархини аниқлаш; 4. Операция нархини шартнома бўйича бажарилишларга оид мажбуриятлар уртасида таксимлаш; 5. Компания бажарилишларга оид мажбуриятни бажарганда тушумни тан олиш (МХХС, 2022).

15-сон МХХС "Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум" стандартда даромад ва тушум тушунчаларига таъриф келтирилган. Даромад бу – ҳисобот даври давомида активларнинг келиб тушиши ёки сифатининг яхшиланиши ёки мажбуриятлар миқдорининг камайиши кўринишида иқтисодий нафнинг кўпайиши, қайсики унинг натижасида капитал иштирокчиларининг бадали билан боғлиқ бўлмаган ҳолда хусусий капиталнинг кўпайиши юз беради. Тушум бу – компаниянинг одатий фаолияти давомида юзага келадиган даромади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ўтган қорхоналарда солиқ ҳисоботларини тузишда қандай меъёрий ҳужжатлардан ва манбалардан фойдаланиш масаласига аниқлик киритиш ҳам муҳимдир.

Фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклини тўлдиришда солиқ солиш мақсадларида ҳисоб юритилиши бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосланади.

Фойда солиғи ҳисоботини тузишда фойдаланинадиган МХХС ва ахборот манбалари 1-жадвалда келтирилган.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, фойда солиғи ҳисоботини шакллантиришда бир қанча МХХСларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан.

Каримов, Ибрагимов ва бошқалар (2020) фойда солиғи базасини аниқлашда МХХС 10 "Жамланган (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар", БҲХС 18 "Одаидаги фаолиятдан олинадиган даромад", БҲХС 38 "Номоддий активлар" каби стандартлардан ҳам фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади.

Ўзбекистон BEPS инклюзив ҳадли дастурига қўшилган ҳолда ўз зиммасига – давлат даражасида дунё миқёсидаги ИХТТ лойиҳаси – BEPS 2.0.ни амалга ошириш мажбуриятини олди. Унинг қоидаларига асосан халқаро компаниялар гуруҳлари улар қаерда фаолият кўрсатишмасин, солиқларнинг ҳаққоний улушини тўлашади²²².

BEPS 2.0 лойиҳаси халқаро компаниялар гуруҳлари фойдасига солиқ солиш бўйича 2 та модуль – Pillar 1 и Pillar 2 дан иборат.

Pillar-1-бундай компанияларнинг солиқ солинадиган фойдасини уларнинг юрисдикцияси ўртасида – юрисдикцияда жисмонан ҳозир бўлиш ёки бўлмасликдан қатъи назар, тақсимлаш имконини беради. Pillar 1 солиқ солиш механизми остига дунё миқёсидаги 20 млрд евродан ортиқ айланмага эга ва рентабеллиги 10%дан ортиқ халқаро компаниялар гуруҳлари тушади.

Pillar 2-дунё миқёсидаги фойда солиғининг компаниялар гуруҳлари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган штаб-квартираси ёки юрисдикцияси жойлашган жойдан қатъи назар, камида 15% тўланишини кўзда туттади. Pillar 2 йиллик консолидациялашган тушуми 750 млн. евро бўлган компанияларга нисбатан қўлланилади.

BEPS 2.0 лойиҳаси қайта ишлаш босқичида турибди. Аммо Pillar 2 2024 йилдан бошлаб оммавий қўллана бошланиши тахмин қилинмоқда.

Ўзбекистон дастурнинг бошқа аъзолари билан тенг равишда солиқларни тўлашдан бўйин товлашга қарши курашиш, халқаро солиқ қоидаларининг

²²² https://buxgalter.uz/publish/doc/text191407_nima_uchun_uzbekiston_beps_2_0_dasturiga_qushildi.5.01.2024.

келишилганлигини ошириш ва анча шаффоф солиқ муҳитини таъминлаш бўйича 15 та чора-тадбирдан иборат BEPS пакетини амалга оширишда иштирок этади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики 12-сон БҲХС “Фойдадан солиқлар” стандарти такомиллаштирилиб борилмоқда. Масалан, 2023-йил май ойида МҲХС кенгаши (IASB) Халқаро солиқ ислоҳоти бўйича намунавий қоидаларни эълон қилди - иккинчи компонент, у МҲХС (IAS) –12 “Фойдадан солиқлар” стандартига ўзгартиришлар киритди:

фойда солиғининг иккинчи компоненти бўйича кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни тан олиш ва ошкор қилиш талаблари вақтинчалик чиқарилди;

таъсир кўрсатадиган субъектлар учун мақсадли маълумотни ошкор қилиш талаблари.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ўтиш солиққа тортиш механизмига ва солиқ ҳисоботларини тузиш қоидаларига таъсир кўрсатади. Бу эса фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга олиб келади.

Республика давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини солиқлар ва йиғимлар ташкил қилади. Бугунги кунда солиқ ислоҳотларини амалга ошириш, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, солиқларнинг турларини камайтириш, уларни ҳисоблаш механизмларини соддалаштириш, инвестицион муҳитни шакллантиришда ва иқтисодийнинг жаҳон андозаларига мос келадиган миллий моделини яратиш мақсадида солиқ ҳисоботларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар талабларига мослаштириш долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Бондарева Н.А. (2020) Особенности применения инвестиционных налоговых вычетов. Учет. Анализ. Аудит. = Accounting. Analysis. Auditing. 7(2):48-55. DOI: 10.26794/2408-9303-2020-7-2-48-55

БҲХС (2022) 12-сон БҲХС “Фойда солиқлари”.

Исманов И.Н. (2017) Бухгалтерия ҳисоби тизимининг молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига трансформациясининг зарурияти. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2017, 3

Каримов А.А., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Имамова Н.М. (2020) – Бухгалтерия ҳисоби: халқаро молиявий ҳисобот стандартлари / Дарслик – Т.: «МОЛИҲА», – 310 б.

Курбанов З.Н., Акрамов Ф.А. (2015) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг долзарб масалалари. “Бизнес-эксперт” журнали. 4-сон.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24- февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4611-сонли қарори.

Любушин Н.П., Лещева В.Б., Дьякова В.Г. (2004) Анализ финансово-экономической деятельности предприятия: Учеб. пособие для вузов / Под ред. проф. Н.П.Любушина. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, - С 47.

МҲХС (2022) 15-сон МҲХС «Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум».

Пашаходжаева Д.Дж. (2023) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарт талаблари асосида фойда солиғи ҳисобини юритиш масалалари. Вухгалтерија hisobini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish masalalari // Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari (Iqism). 2023 yil 02-nayabr. Samarqand, SamISI, 2023. 232 bet.

Пўлатов Х.Ў., Абдуганнаров Ш.А. (2022) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида фойда солиғининг ҳисоблашнинг ўзига хослиги. ЖУРНАЛ.Экономика и социум.5 (96).-1.

Путникова Е.Л., Урбан В.А. (2022) Подготовка бухгалтерской отчетности согласно международным стандартам финансовой отчетности.. Вестник Белорусской государственной сельскохозяйственной академии. №2

Ризаев Х. (2022) Ўзбекистон Республикасида 12-“фойда солиқлари” МҲХСини қўллаш жараёнидаги муаммо ва ечимлар. ЖУРНАЛ.Экономика и социум.11 (102). -2.

Собиров О. (2021) Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талаблари даражасида такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. № 3, июнь.

Ташназаров С.Н. (2021) Мажбуриятлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш. “Экономика и социум” №5(84).

Хажимуратов Н.Ш. (2020) Молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини таъминлаш йўналишлари. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы, 3(135).

Шабанова М.Р., Шумяцкий Р.И. (2020) — Инвестиционный налоговый вычет как альтернатива амортизации // Финансы и управление. - № 1. DOI: 10.25136/2409-7802.2020.1.29570 URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=29570.